

“ГАРАНТ БАНК” АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядорлар!

“Гарант банк” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 11 декабрдаги Банк Устав капиталини 150 000 000 000 (бир юз эллик миллиард) сўмга ошириш йўли билан номинал қиймати 100 (бир юз) сўмлик 1 500 000 000 (бир миллиард беш юз миллион) дона оддий акцияларни чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар Миллий агентлигининг томонидан 2024 йил 13 декабрда P0109-23-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Акциялар чиқарилиши қарорига асосан Банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Ушбу қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзларига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади. Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2024 йил 11 декабр ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Акциялар 100 (бир юз) сўм нархда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги хужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.

Акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўлов, юридик шахслар учун нақдсиз шаклида-пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилгунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади. Бунда акциялар учун пул маблағлари “Гарант банк” АЖ Амалиёт бошқармаси қуйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади: х/р 29830000700000439004, МФО 00439, СТИР 201053901, Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Сайид Барака кўчаси, 78 уйда.

Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқ орқали жойлаштирилаётганда, чиқарилаётган акциялар уюшмаган қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битими тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

“Гарант банк” АЖ акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$A / 3\,497\,000\,000 = B$$

$$1\,500\,000\,000 * B = C$$

Шунда:

3 497 000 000 – Банк устав капиталдаги оддий акциялар сони

1 500 000 000 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони

А – акциядорнинг Банк устав капиталдаги оддий акциялари сони

В – Банк устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони

С – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинган акциялар сони

Қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар қўшимча маълумотлар олиш учун банкнинг Ғазначилик бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: +998 71 215-61-95

Хурмат билан,

Банк Бошқаруви